Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 130 (7. 219) ◎ 1990 йил 8 июнь, жума ◎ Баҳоси 3 тийин

Тонгги рўзномаларда

◎ **Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзоларининг таржимаи ҳоли ва суратлари берилган.**

◎ **Рўзномаларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузаси ва Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи юзасидан музокараларда сўзга чиққан нотиқлар нутқи баёни матни берилган.**

◎ **КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 30—40-ва 50-йилларнинг бошларидаги даврда содир этилган қатағонлар билан боғлиқ материалларни қўшимча равишда ўрганувчи комиссиянинг навбатдаги мажлиси ҳақида расмий ахборот эълон қилинган.**

«КРИСТАЛЛ» МОДУЛИНИНГ ПАРВОЗИ ТЎҒРИСИДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 6 июнь. (ТАСС). Бугун парвоз режасига биноан «Кристалл» модулининг Москва вақти билан соат 15 дан 30 минут ўтганида «Мир» станцияси билан туташувини таъминлаш мақсадида учинчи бор икки марта туртки бериб, унинг ҳаракат йўналишини тузатиб қўйиш мўлжалланган эди. Двигателининг биринчи марта қисқа муддатга ишлатилиши мўлжалдаги вақтда бажарилди, мўлжал олдириш системасининг кам қувватли двигателларидан бири яхши ишламагани сабабли двигателни иккинчи марта ишга тушириб бўлмади. «Кристалл» модулида шундай двигателларнинг резерв системаси бор. Ҳозир мўлжал олдириш системасини энг мақбул тарзда ишга солиш масаласи ўрганилмоқда. Шу муносабат билан модулнинг «Мир» станцияси билан туташуви 9-10 июнга кўчирилди.

(ТАСС).

Муҳаррир устуни

ЭРТАНГИ КУНГА УМИД

ЎЗБЕКИСТОН Коммунистик партияси XXII съезди ўз ишини якунлади. Марказий Комитетнинг «Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистон ССРнинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, мамлакат ва жумҳуриятнинг янги сиёсий системасида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни ва мавқеи ҳақида»ги сиёсий маърузаси муҳокамасининг якуни делегатларнинг бугунги кунимизга унчалик хос бўлмаган гоят якдилликларини кўрсатди. Улар жумҳурият аҳолисини жипслаштиришга қодир бўлган ягона реал куч Ўзбекистон Коммунистик партияси бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолаётганлиги тўғрисида яқдил фикрга келдилар. Улар Компартия кишилар турмуш шароитларини яхшилаш учун тўғри, янада муҳими амалий йўл танлаганлиги ҳақида якдил бўлдилар.

Анжуманда жумҳурият меҳнаткашлари Компартиянинг сайловолди Ҳаракат дастурини, айниқса бу сафар сўз билан иш ўртасида узилишга йўл қўйилмаганлигини мамнуният билан қарши олганликлари кўп марта уқдирилди. Ўқувчиларга бепул нонушта бериш кўзда тутилганидан ҳам эртароқ ташкил этилди, томорқа ажратиш алоҳида назорат остига олинган, шахсий хўжаликларни ривожлантириш учун шароитлар яратилаяпти, уруш қатнашчиларининг имтиёзлари кенгайтирилди, бошланғич синф ўқитувчиларининг маошлари оширилди...

Буларнинг ҳаммаси партия инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари, орзу ва умидлари сари юз ўгирганининг яққол далолатидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишга босқичлик, чуқур ўйлаб ёндошишга қаратилган йўли ҳам делегатлар томонидан яқдил қўллаб-қувватланди. Ҳа, бозор иқтисодиётига ўтмасликнинг иложи йўқ. Шу билан бир қаторда бизнинг шароитларда иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартиришни сунъий равишда жадаллаштириш оғир оқибатларга олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Зеро, жумҳуриятимизнинг бугунги кундаги аҳволи мамлакат бошқа минтақаларидагига қараганда анча мураккаброқдир. Ўзбекистонда тахминан 1 миллион нафарга яқин киши ишсиздир, бюджетдаги камомад 3 миллиард сўмликка боради, ишлаб чиқарувчи кучлар яхши тараққий этмаган. Булар пировард натижада аҳволни беқарор қилиши мумкин.

Ҳолбуки, жумҳурият аҳолиси Компартияга биринчи навбатда у Фарғона фожиалари, Бўка ва Паркентдаги можароларга қарамасдан аҳволни барқарорлаштиришга муваффақ бўлаётганлиги учун яна ишончларини тикладилар. Ўзбекистон Компартияси ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқ, хонадонда тинчлик ва осойишталик ҳукм суриши, одамларда бир-бирига ишонч мустаҳкамланиши учун ҳамма нарсани қилмоқда. Съездда қабул қилинган биринчи ҳужжат жумҳурият коммунистлари, барча халқларига миллатлараро муносабатлар масалалари юзасидан Мурожаат бўлганлиги асло тасодифан эмас. Ушбу даъватда ҳар бир одам — у ўзбек ё рус, тожик ёки татар, украин ёки белорус бўлсин — қалбига ҳамоҳанг жумла бор: «БИЗ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИ ДЎСТЛИК ЖУМҲУРИЯТИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛАМИЗ».

Делегатлар қалб тўла алам билан иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада, маънавий ҳаётда аввал йўл қўйилган, ҳозир ҳам учраб тураётган айништар ҳақида: жумҳурият халқ хўжалигининг бир ёқлама ривожлантирилганлиги, амалда у мамлакат хом ашё базасига айланиб қолганлиги, кадрларга ҳурматсизлик, адолатнинг топталиши, миллий маданият ва анъаналарга беписандлик тўғрисида қуюниб гапирдилар. Бу халқнинг ғазабини қўзғатмай қўймади. Ҳа, қанча аччиқ бўлмасин шуни тан олиш керакки, бу одамларнинг ижтимоий лоқайдлиги туфайли бизнинг кўз ўнгимизда содир бўлди. Олға қараб дадил одим қўймоқ учун ана шундай покланиш, турғунлик йилларининг кишанларидан халос бўлиш жуда-жуда зарурдир.

Лекин менга съезд ўзининг танқидий руҳидан ҳам кўпроқ собитқадамлиги, белгилаган вазифаларининг аниқлиги билан маъқул бўлди. Ўзбекистон Коммунистик партияси қатъият билан энг аввало жумҳурият барча аҳолиси манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатишини билдирди. Бу марказ ваколатларини кескин чеклаш, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларга, кенг халқаро ҳамкорликка ўтиш демакдир. Ёш авлод, унинг тарбияси, истеъдодли йигит ва қизларни излаб топиш, миллий кадрларни тайёрлаш тўғрисида гамхўрлик қилиш зарурлиги анжуманда алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Компартиясининг бу йўли эртанги кунимизга умид туғдирмаслиги мумкин эмас. Марказий Комитет КПССда, мамлакатдаги аҳвол мураккаблигига қарамасдан съездда ишлаб чиқилган йўлни изчил ўтказишга бўлган қатъиятини билдирди. Шу мақсадда анжуманда ушбу съезд делегатларининг ваколатларини чўзиш ҳақида қарор қабул қилинди. Зарурат туғилса Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди КПССС XVIII съезди қарорларини ҳисобга олган ҳолда ўз ишини давом эттиради.



◎ **СЪЕЗД БЕЛГИЛАГАН ИШЛДАН.** **Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қурувчилар олдига ҳам катта вазифалар қўйди. Масалан, яқин беш йил ичида 67—68 миллион квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Бу эса ҳозирги беш йилликдагидан 1,5 баравар кўпдир. Тошкентдаги Баланд иморатлар қуриш трестининг махсус темир-бетон қурилиш-монтаж бошқармасининг ёш, илғор дурадгори Сандаҳмад Абдуллаевга ўхшаш кўплаб қурувчилари пойтахтда қурилиш ишларини жадаллаштиришга иложи борича кўпроқ ҳисса қўшишга аҳд қилганлар.**

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари — Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи

Қ. Т. РИЗАЕВ нутқидан

Ҳозир шу нарса аёнки, бизнинг давримиз — партияда соғлом кучлар жипслашаётган, кўп партиялилик пайдо бўлаётган шароитда унинг стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқилаётган, партия ва жамиятнинг янгиланиши йўлида, халқ ҳокимиятининг ленинча идеалларини қайта ндрок этиш йўлида коммунистлар амалда обрў-эътибор қозоналётган даврдир.

Шунга ишончимиз комилки, Ўзбекистон Коммунистик партияси ана шу йўлга чексиз содиқдир. Ҳозир ана шу партия жумҳуриятимиз турмушини ўзгартиришга қодир бўлган ягона ижтимоий кучдир. Буни Ўзбекистон меҳнаткашлари биладилар.

Партиянинг обрў-эътиборини янада ошириш, янги шароитда масъулият билан фойдалироқ меҳнат қилиш, бутун мамлакат миқёсида партиянинг ленинча кучларини жипслаштириш лозим. Партиянинг бўлиниб кетишига йўл қўймаслик, КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури негизида коммунистларнинг муштарак куч-ғайратлари билан янгиланиш стратегиясини ишлаб чиқиш даркор.

Халқ эҳтиёжлари ва орзу-умидларининг унутиб қўйилиши, партия турмуши ленинча нормаларининг, жумҳуриятдаги мустақил ижтимоий-иқтисодий қурилишнинг оёқ ости қилиниши оқибатида биз моддий ва маънавий характлик бўсағасига келиб қолдик. Шунга ишончим комилки, партиямиз Конституцияда баён этилганига кўра эмас, балки ўзининг тарихий моҳиятига кўра жамиятнинг пешқадам ва ҳаракатга келтирувчи, йўл бошловчи кучи бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Партия чинакам халқчил, демократик ҳокимият билан биргаликда ҳаракат қилиб жамиятимиз ярасига малҳам қўйиб даволайди.

Шифокор сифатида дардга чалинган соғлиқни сақлаш тармоғининг юзага қалқиб чиқиб турган илатлари ҳақида гапиришим шарт. Бу соҳа тобора қолдан тойиб, фалаж бўлиб қолганининг сабаблари — бутун ижтимоий жараёнларга касофати урган салбий ҳодисалардадир. Шулардан бири — қолдиқ принципига кўра планлаштиришдир. Нечта ўн йиллардан буён соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш режаларининг фақат ярми бажарилаётган экан, бу шармандали ҳол эмасми. Чунончи, жумҳурият пойтахтида бу йил 19 та тиббий муассасани қуриш режалаштирилган. 9 та объектда иш 60 фоизгина бажарилди, бошқаларида эса ҳали иш бошланмаган. Чеккарок районлардаги юмушлар ҳақида гапиришга ҳожат бормикин. Бизнинг муассасаларимизни қурувчилар бефойда объектлар, деб ҳисобламоқдалар.

Район партия комитетлари, ижроия комитетлар, ётоқхоналар биноларини соғлиқни сақлаш эҳтиёжларига бериб, муаммони ҳал этишга уринаяптилар, лекин аслида бу биноларнинг кўпи тўкилиб турибди, нафсиламбирига айтадиган бўлсак, режаси, санитария ҳолатига кўра, булар одамларни даволаш ва дарднинг олдини олиш учун яроқсиздир.

Соғлиқни сақлаш министрлиги ва унинг жойлардаги идоралари ҳисоботларига назар соладиган бўлсак (бу ҳисоботлар ўтмиш йилларидаги партия аппаратининг тазйиқи билан ёзилган эди, албатта), неча ўн йилликлар мобайнида бизда сариқ касаллиги ҳам, минг-минглаб оналардаги камқонлилик дарди ҳам бўлмаган, неча ўнлаб болаларнинг қувватсизликдан эти устихонига ёпишиб кетмаган, гўё эмизикли оналарнинг сутида заҳарли дориворлар «топилган» эмиш, биз ана шу заҳри қотил билан далаларимизни оғир қилиб келдик ва ҳозиргача ҳам неча ўнлаб саноат корхоналари ана шу заҳар билан атроф-муҳитни булғамоқда. Болалар ўлими онда-сонда учрайди, деб ҳисоблаб келинди, йигитларимизни эса, соғлиги жуда яхши, деб армия хизматига жўнатиб юбораверадик.

Буларнинг ҳаммаси ёлғон эди. Олам гулистон, деб хўжакўрсинга ёлғон-яшиқни гапириш мумкин эмас. Ошкоралик даврида биз кулфатларимиз ҳақида дангал айтаяпмиз. Маълум бўлдики, бир ёшга етмаган минг гўдакнинг 38 таси нобуд бўлаётган экан, айрим районларда эса 45 гўдакнинг жони узилмоқда. Шунинг ўзи ҳам мамлакатдаги энг юқори кўрсаткичдир. Ана шу кўрсаткич бўйича биз Африкадаги яқинда мустамлакачилик асоратидан озод бўлган мамлакатларга «етиб олдик». Фақат ўтган йилнинг ўзидагина Тошкентга соғлиғи ёмонлашгани учун 50га яқин йигит армиядан қайтиб келди. Буларнинг баъзилари асаб касаллигига йўлиққан. Бошқалари эса юрак хасталиги билан оғриган бўлса ҳам армияга жўнатиб юборилаверган.

Хўш, ким айбдор. Биз, шифокорлар ҳам айбдормиз, ҳарбий комиссариатларнинг буйруғига кўр-кўрона бўйсуниб, «жўнатиш режалари»ни бажариб келдик. Энди бундай бўлмайди. Ҳозир жуда тажрибали шифокор-олимлар ва амалиётчилар чақирув комиссияларида ишламоқдалар ҳамда салбий йигитларни армия хизматига танлаб олишда қонунга ва ахлоқ-одобга риоя этилиши учун барча ишларни қилмоқдалар.

Болаларни, оналарни, бутун жамиятимизни соғломлаштириш учун туб тадбирлар лозим. Биз эса ҳали ҳам эскириб кетган ускуналарда, мослаштирилган биноларда ишламоқдамиз. СССР соғлиқни сақлаш министри кабинетларидан кўрсатма берилгандан кейингина энг янги техника, даволашнинг мукаммал линиялари ва кабинетлари жумҳуриятдаги биноларга келтирилмоқда. Буни қарангки, худди шу кабинетлардан бирор-бир ускунага районларимиздаги ва вилоятларимиздаги эҳтиёжлар аниқроқ кўринаётгандек. Наҳотки, биз ўзимиз ускунани Қарши ёки Бухоро, Тошкент ёки Янгийўлда ўрнатишга қодир бўлмасак.

Ҳозирча эса ўрнатадиган нарсанинг ўзи йўқ. Биз сўраган медицина техникасининг ярмигина қондирилмоқда.

Жумҳуриятга юборилаётган дори-дармонлар етарлими? Эҳтиёжнинг кўпи билан 70—80 фоизини олмоқдамиз. Ўлкамиздаги фармацевтика корхоналари коммунистлари шу ҳақда ўйлаб кўрсалар арзийди.

Давлат миқёсида соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари соҳасида тажриба орттирмоқдамиз. Бунинг нишоналари аён кўриниб турибди: жумҳуриятимиз Президенти ва ҳукумати 5 миллион сўмлик чет эл валютасини ажратдилар; бундан муддао — Сиэтл шаҳри олимлари ва савдо-саноат доиралари вакиллари билан биргаликда юқумли сариқ касаллигига қарши кураш воситалари тайёрлайдиган қўшма корхоналар бунёд этишдир.

Ўзбекистон ССР Президенти кўп болали оналар ва камқонлилик дардига чалинган оналарга қўшимча имтиёзлар тўғрисида Фармон чиқарди. Бу тадбир халқимизнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги амалий қадамлардандир.

Ишончимиз комилки, жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақиллиги негизида соғлиқни сақлашнинг бошқа муаммолари ҳам шу тарзда тубдан ҳал этилади.

Саноатнинг улкан корхоналари атроф-муҳитни булғамоқда. Аммо жазо чоралари кўрилмаяпти, ҳисоб. Ҳали ҳам кўп болали оналарга мўлжалланган болаларнинг яхши таомини тайёрлаш ва уларни сотиш йўлга қўйилмаган.

Шифокорлар тайёрлаш борасида ҳам муаммолар бор. Кўпчилик жумҳуриятларда йигит-қизлар шифокорликни ўрганишиб, ривожланган капиталистик мамлакатларда тажриба орттирмоқдалар, лекин ўзбек ёшлари бундан маҳрумдирлар. Тез тиббий ёрдам берадиган ва одамларни ўлим чангалидан қутқариб қоладиган замонавий кўчма амбулаторилар бизда учун орзу бўлиб қолмоқда.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг «ризқини» қийиб, маблағни тежаш мумкин эмас. Халқнинг бўлажак насллари насибасини қирқиб пулни тежаш мумкин эмас, мабодо шундай қиладиган бўлсак, ҳалоскорлик ва меҳр-мурувват деган жамғармаларнинг ўзи ҳам бемаънилик бўлиб қолур эди.

Соғлиқни сақлаш соҳасининг муаммолари хусусида давлат миқёсида ғамхўрлик қилиш ва бу масалаларни ҳал этиш учун партиявий масъулият керак. Шифокорлар ва илмий кадрлар тайёрлаш, уларнинг турмуши ва фароғати, миллион-миллион одамларнинг сиҳат-саломатлигини сақлашга қаратилган шифокорларнинг фидокорона меҳнатини моддий жиҳатдан рағбатлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш шулар жумласидандир.

Бозор иқтисодиёти ва матлубот кооперацияси

Ўзбекбирлашув кенгаши ўзининг 7 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган навбатдан ташқари йиғилишида жумҳурият бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан Ўзбекистон матлубот кооперацияси ходимларининг вазифаларини муҳокама қилди.

Кенгаш аъзолари жумҳурият матлубот кооперациясининг сўнгги йиллардаги ва шу йилнинг беш ойи мобайнидаги фаолиятини муҳокама қилдилар. Коллектив ва ижара пудрати, меҳнатни ташкил этишнинг бошқа илғор шаклларидан фойдаланиш иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш имконини берганлиги айтиб ўтилди. Бироқ бошқарув системасида ва хўжалик юритиш омилида туб ўзгаришлар содир бўлмади. Юксак уюшқоқлик ва интизом билан амалга оширилган меҳнатни ва омилкорликни рағбатлантириш учун амалий шарт-шароитлар вужудга келтирилмади. Матлубот кооперация бўлинмалари чинакам иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий мустақилликка эга бўлмадилар. Товар ресурсларини шакллантиришда корхоналар билан юқори идоралар ўртасидаги муносабатларнинг мавсумий-буйруқбозлик системаси ҳамон амал қилмоқда.

Марказий Комитетнинг Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига Сиёсий маърузасида, дейилади йиғилишда қабул қилинган қарорда, жумҳуриятимизнинг бозор муносабатларига ўтишига оид таклифлар баён этилган, жумладан Ўзбекистон шароитида бозор механизмининг моҳияти ва мазмунига реал баҳо бериш, уни жорий этишнинг эҳтимол тутилган мураккаблиги ва оқибатларини кўзда тутиш, ўтиш даври кескинлигини юмшатиш учун олдиндан шарт-шароит яратиш зарурлиги айтилди. Буларнинг ҳаммаси кооперация фаолиятида қайта қуришни чуқурлаштиришни, унинг имкониятларидан янада самарали фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекбирлашув кенгашининг йиғилиши жумҳурият матлубот кооперациясининг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишига оид тадбирларнинг амалий режасини қабул қилди.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Илгари Ўзбекбирлашув бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган Г. Г. Волков бошқарув раиси бўлди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Ў. Қ. Исмоилов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).



◎ **ДЎППИДЎЗЛАР.** **И. Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикаси бичиқчилик цехининг илғорларидан (чапдан-ўнгга): Сокина Шарипова, Илюра Янсупова, Шарофат Қаҳҳорова, Роҳат Комилова ва Фарида Тожиевалар.**

Т. Каримов суратлари.

Янги дастгоҳлар — ёшларга

◎ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулот турларини ва кўламини ошириш учун ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланиб қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда.**

«Шоҳсанам» термаси

◎ **ТОШКЕНТ чинни заводи кундан-кунга кенгайиб меҳнат аҳли, маҳсулот турларини оширишга алоҳида эътибор бермоқда.**

БУГУН 10 буюмдан иборат чой ва 15 буюмдан иборат «Шоҳсанам» термаси, 10 буюмдан иборат «Бахт», «Ором», «Атиргул» термалари шунингдек «Ниҳол», «Наврўз» чойнак-пиёлаларини тайёрлашга киришилди.

— Илгари корхонамиз аҳолига 35 миллион сўмлик чинни идишлар етказиб берган бўлса бугунги кунга келиб, янги корпуслар ишга тушиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 60 миллион сўмликка етди. Маҳсулот турлари ва кўлами ортиб бормоқда, дейди корхона касаба уюшмаси раиси Э. Орипов.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Футбол

ЙИРИК ҲИСОБДА

Кеча мамлакат биринчилиги биринчи лига жамоалари навбатдаги 14-тур ўйинларини ўтказдилар. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси «Шинник» футболчиларини қабул қилиб, йирик ҳисобда галаба қозонди. Пахтакорчилар рақиблар дарвозасига 3 та жавобсиз тўп киритдилар, Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Зенит» — «Динамо» Сухуми — 2:0, «Нефтчи» — «Кубань» — 3:0, «Металлург» — «Тирас» — 2:0, «Ростсельмаш» — «Котайк» — 1:0, «Динамо» Ставрополь — «Спартак» — 0:3, «Қайрат» — «Геолог» — 2:0.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон ССР ва Қирғизистон ССРнинг қатор областларида фавқулодда ҳолат жорий этилганлиги ҳамда салбий воқеалар бўлиши мумкинлигининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети вақтинча, республикада аҳвол барқарор бўлгунга қадар Тошкент шаҳрида митинглар, йиғилишлар, кўча юришлари ва намойишлар ўтказишни таъқиқлаб қўйди.

* * *

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент шаҳри аҳолисига, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг бошқа кўнгилли уюшмалари вакиллари ва раҳбарларига мурожаат этиб, вазминлик кўрсатишга, ақл билан иш тутишга, айрим экстремистик кайфиятдаги фуқароларнинг иғволарига учмасликка, жамоат тартибини, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга фаол кўмаклашишга чақиради.

АХБОРОТ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига рўйхатга олинмаган «Ўзбекистон ёшларининг эркин уюшмаси» ташкилоти номидан бир гуруҳ ёшлар шу йил 10 июнда Талабалар шаҳарчасида митинг ўтказиш тўғрисида мурожаат қилди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳамда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ митинг ўтказилмаслигини маълум қилади.



⊙ БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Ўрта Оснёда ягона ёпиқ бозор эски шаҳар ҳуснини очмоқда.

Ҳ. Шодиев сурати.

Доимий комиссияларда

БАҲО ҚЎЙИШГА ВАҚТ ЭРТА

ХАЛҚ депутатлари Киров район Советида доимий комиссиялардан тўққизтаси фаолият кўрсатиб турибди. Айниқса, улардан Абдураҳмон Мавлонов бошчилик қилаётган савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва ширкатлик фаолияти бўйича тузилган доимий комиссия Рустам Нуралиев бошчилигидаги планлаштириш, молия ва иқтисод комиссияси, Феликс Зиновьевич Шерман раислик қилаётган қурилиш, архитектура, турар жой-коммунал хўжалиги, ободонлаштириш бўйича доимий комиссияларнинг олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Ҳозиргача бу комиссиялар уч мартадан ўз йиғилишларини ўтказишди. Уларда шу куннинг долзарб муҳим масалалари кўтарилди.

Масалан, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва ширкатлик фаолияти бўйича тузилган доимий комиссия ишини олайлик. Унинг аъзолари йиғилишларда фаол қатнашиш билан бирга, ботармоқ ишида меҳнаткашларда норозилик туғдираётган камчилик ва нуқсонларни рўй-рост очиб ташлашмоқда. Комиссия ҳайъатининг район аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш ва хизмат кўрсатиш турларини ошириш тадбирлари тўғрисидаги масалани шу йилнинг 15 июнида ўтадиган район Совети сессияси кун тартибига киритаётганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Яқинда қурилиш, архитектура, турар жой коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш комиссияси ўз йиғилишини ўтказди. Унда асосан район меҳнаткашларини турар жой билан таъминлаш ва уларга коммунал хизмати кўрсатиш масаласи кўрилди. Комиссиянинг бу муаммога тўхталишига сабаб турли табақадаги аҳолидан тушаётган шикоят хатлари бўлди. Узоққа бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Биргина Юнусобод даҳасини олайлик. Бу ерда минг-минглаб аҳоли яшайди. Уларнинг кўпчилиги янги қурилган замонавий уйларда истиқомат қилишади. Лекин бу қўша-қўша қаватли, кўриниши кўркам биноларнинг ҳамма хоналари ҳам чинакам замонавийми? Йўқ, албатта. У ерга кириб қолган киши бу бинони яқин ўртада қурилган деб айта олмайди. Деворлар чаккадан нураган гулқоғозлар кўчиб кетган, бир йил ўтмай ювиниш хонасидаги қувурлар тешилган, улардан чакиллаб сув оқиб ётибди. Ахир шунчалик ҳам сифатсиз иш бўладими? Ёки иссиқ-совуқ сувларни олайлик. Ёзда юқори қаватларда яшовчилар совуқ сув йўқлигидан, қишда эса иссиқ сув чиқмаслигидан шикоят қилишади. Ахир бу камчиликлар қачонгача давом этади? Қачонгача аҳоли кундалик юмушдан қолиб уй-жой бошқармаси, ижроком эшигини қидиради?

Комиссия ўз йиғилишида мана шу саволларни ўртага ташлади ва унга аниқ жавоб қидирди. Бундан буён бундай кўнгилсиз ҳолларга тоқат қилиб бўлмаслиги таъкидланди. Комиссия район халқ назоратчилари билан ҳамкорликда шу йилнинг июнь ойида районда турар жой фондининг капитал ва жорий ремонти планининг бажарилиши юзасидан текширув ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Районда ташкил этилган социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш доимий комиссиясига тажрибали ҳуқуқшунос Иван Евтихиевич Гриценко раҳбарлик қилади. Унинг ўн бир аъзоси ҳам ўз касбининг усталари бўлган кишилардир. Комиссия ташкил этилган кундан бошлабоқ фаол иш юритяпти. Унинг йиллик иш планидан балоғатга етмаган ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқий бузишларнинг олдини олиш, районнинг баъзи корхона ва ташкилотларида меҳнат қонунчилигининг бузилиши, жиноятчиликка ва бошқа қондабузарликка қарши кураш масалаларини район Советига тайёрлаш ва эшитиш, Киров район халқ назорати комитети билан биргаликда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, тамаки ва «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикаларида социалистик мулкнинг даҳлсизлигини текшириш, жамоатчилик тартибини яхшилаш, халқ дружиначилари фаолиятини ўрганиш ва унинг ишини янада жонлантириш каби масалалар ўрин олган.

— Биз райондаги тамаки ва «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикаларида текширув ўтказишни бекорга режалаштирганимиз йўқ, — дейди комиссия раиси. — Чунки бу ҳар иккала корхонада ташмачилик ҳоллари кўпроқ юз бераяпти. Мақсадимиз бу иллатнинг олдини олишда фабрика раҳбарларига яқиндан ёрдам бериш. Жиноятчиликка қарши курашни кўпайтириш ҳақидаги масалани эса сентябрь ойида ўтадиган учинчи сессия кун тартибига киритмоқчимиз.

«Қайси комиссиялар ўз ишларини жонлантиришлари керак», деган саволимизга, халқ депутатлари Киров район Советининг ташкилий бўлими катта референти Дина Александровна Петрова кулиб: «Ҳозирча ҳамма комиссияларимиз ҳам барқарор ишлаб турибди. Бу саволга аниқ жавобни албатта вақт кўрсатади», деди.

Бу гапга қўшилса бўлади. Чунки сайловлардан кейин ўтган муддат ичида бирон бир комиссия ишига чинакам баҳо бериб бўлмайди. Орадан маълум вақт ўтгач, ўзларига яраша баҳони олишади. Ҳозирча эса сайловчиларнинг улардан умидлари катта. Бу умид ва ишончни оқлаш эса 105 депутатдан ташкил топган Киров район Советининг аниқ иш фаолиятига боғлиқ.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети мажлисидан

Ширкатларга ҳам обрў керак

⊙ Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг бўлиб ўтган мажлисида, «Тошкент оқшоми» рўзномаси саҳифаларида илгари хабар қилинган бошқа масалалар қаторида, ширкатлар ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларини район Советлари ижроия комитетларининг бўлим ва бошқармалари, молия органлари ва кредит муассасалари қандай бажараётгани тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мазкур масала кўриб чиқилгани тўғрисидаги мақола кеч босилаётганининг сабаби қўшимча текшириш чоғида аниқланган қонун бузилишлари билан боғлиқдир.

ШИРКАТЧИЛИК ҳаракати ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантиришнинг аҳволи тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш чоғида, шунингдек, «Ижроия комитетлар, молия органлари ва кредит муассасалари фаолиятида ширкатчилик тўғрисидаги қонунчилик бузилишлари тўғрисида» шаҳар прокуратурасининг берган маълумотлари ҳам муҳокама этилди. Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг текширув материаллари район ижроия комитетлари, тегишли бисотхоналар муассасалари томонидан жиддий нуқсонларга йўл қўйилганлигини кўрсатиб турибди. Уларнинг фаолиятида СССР давлат бисотхонасининг кредитлаштириш ва ҳисоблар тўғрисидаги йўл-йўриқлари кўпол тарзда бузилган. Натижада қарзлар бўйича муддати ўтиб кетган катта суммалар ҳосил бўлган. 1989 йил якунларига кўра Киров район бисотхонаси бўлими бўйича қарздорлик 790 минг сўмни, Октябрь райони бўйича ярим миллион сўмни, Акмал Икромов райони бўйича ярим миллион сўмликдан зиёдни ташкил этган.

Кредит муассасаларнинг ширкатларга нақд пул беришини чегаралаш тўғрисидаги ҳукумат қарорига кредит муассасалари риоя этмаганлиги шаҳар аҳолисини озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлашдаги ижтимоий тангликни анча кучайтирди. Масалан, ўтган йили бисотхоналардан ширкатлар олган нақд пулларга чакана савдо тармоқларидаги 42 миллион сўмлик турли хил моллар сотиб олинган. Фрунзе ва Собир Раҳимов бисотхоналар бўлимларида ширкатларнинг муддати ўтиб кетган қарздорлиги оқибатида ишчи ва хизматчиларга маошни кечикиб бериш ҳоллари рўй берган.

Кредит муассасалари ҳамда идоравий хизматлар томонидан назорат йўқлиги оқибатида бир қатор қурилиш ширкатлари баъзи бюджетли муассасаларда таъмирлаш ишларини ўтказишда қўшиб ёзишган. Масалан, Собир Раҳимов районидаги «Нур» ширкати халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари биноларини таъмирлаш чоғида иш ҳажмини ошириб кўрсатган ва қонунсиз равишда 36,6 минг сўмни ўзлаштирган. Худди шундай бажарилмаган ишлар учун пул олиш ҳоллари Акмал Икромов, Фрунзе ва Октябрь районларининг қурилиш ширкатларида текшириш чоғида аниқланди.

Ўтган йили ва шу йил бошидан бери ширкатларда молия органлари томонидан 760 минг сўм яшириб қўйилган даромад топилди ва очиб ташланди. Бунда шу нарсани ҳисобга олиш керакки, молия органлари томонидан жами ишлаб турган ширкатларнинг бор-йўғи 37 фоизининггина фаолияти текширилган, холос. Шаҳар Совети ижроия комитети ширкатлар тақдим этган ҳужжатлар тўла текшириш билан қамраб олинмаганлигига, текширишлар сифати паст бўлганлигига эътиборни қаратди.

Район Советлари ижроия комитетлари томонидан Уставларни қайд этиш чоғида етарлича назорат ўрнатилмаганлигини ширкатларда жиноятчилик сони кескин ўсиб кетгани ҳам яққол кўрсатиб турибди. Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари маълумотларига қараганда 1988 йилда ширкатчилик ҳаракати билан боғлиқ бўлган 35 та ғаразли жиноятчилик қайд этилган эди, 1989 йилга келиб эса улар сони 161 тага етди. Район Советлари ижроия комитетларида ширкатларга раҳбарлик ишларига илгари ғаразли ишлари учун судланган фуқаролар қўйилмаслиги учун етарлича сезгирлик кўрсатмаётирлар.

Буларнинг ҳаммаси умуман ширкатчилик ҳаракатининг обрўсини тўкмоқда, ширкатларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қабул қилган қарорда район Советлари ижроия комитетларининг раисларини ва уларнинг ширкатчилик фаолиятини мувофиқлаштирувчи ўринбосарларини амалдаги қонунчилик бузилишлари учун шахсий жавобгар эканликлари ва мавжуд қонун бузилишларига барҳам бериш зарурлиги ҳақида огоҳлантирди. Район Советлари ижроия комитетлари зиммасига кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган, энг аввало иккиламчи ва маҳаллий ресурслардан фойдаланадиган ширкатларни ривожлантириш вазифасини юклади. Ширкатлар Уставларини қайд этиш чоғида айниқса эпидемиологик ва санитария-гигиеник нормаларга, ёнғинга қарши ҳавфсизлик, бухгалтерия ҳисобкитобларини юргизиш талабларига эътиборни қаратишни, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бажарилган ишга нарх-наво қўйиш талабларига қатъий риоя этишни талаб этди. Асосан ихтисослаштирилган магазинларда, давлат савдоси ва матлубот ширкати бўлимларида ширкатларнинг ўз маҳсулотларини сотиш учун кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни кўриш, савдо кўргазмалари — савдо ярмаркаларини ташкил этишга кўмаклашиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Савдо, умумий овқатланиш Бош бошқармалари, «Таштоплесстройторг» шаҳар бирлашмалари, ташкилотлари ва корхоналарига ширкатлар ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларга ноозиқ-овқат ва озиқ-овқат молларини сотишда 1989 йил 6 октябрда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети чиқарган «Чакана савдо тармоқларидан ширкатларга озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари сотишни тақиқлаш тўғрисида»ги қарорида белгиланган тартибларга қатъий риоя қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. «Ташглавснаб»га эса ширкат ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш таклиф этилди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг молия бошқармасига ширкатлар фаолияти устидан назорат бўйича пухта режани зудлик билан ишлаб чиқиш ва халқ назорати комитети билан биргаликда тегишли бўлимлар, бошқармалар, район Советлари ижроия комитетларини жалб этган ҳолда унинг бажарилишини таъминлашни топширилди. Ширкатлар фаолиятини, уларнинг молия ва кредит муассасалари ҳамда ташкилотлари билан ўзаро алоқасини тартибга солиш ва янада такомиллаштириш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия тасдиқланди.

«Тошкент оқшоми» рўзномаси ширкатчилик ҳаракатидаги молиявий қонун бузилишлари тўғрисида «Ҳаммомдаги ҳангомалар» мақоласида илгари ҳикоя қилган эди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг юқорида айтиб ўтилган қарорининг бекаму-кўст бажарилиши бундай нуқсонларнинг илдизини қуритишга ва ширкатларнинг мол ишлаб чиқараётган ва хизмат кўрсатаётган фаол ва пок ходимлари обрўсини кўтаришга имкон беради, деб ўйлаймиз.

«ЗУМРАД» БУЮМИ

⊙ ТОШКЕНТ «Эталон» заводи жамоаси тайёрлаётган маҳсулотлар тури яна биттага кўпайди. Бугун корхонада «Зумрад» маиший компьютери ишлаб чиқилди. Унинг қуввати 64 киловатт, 4 хил рангда кўрсатади. У маиший телевизор ва магнитофон ёрдамида ишлайди.

Бу маиший «Зумрад» компьютери билан Ленин районидаги «Электроника» савдо дўконида танишиш мумкин.

Д. АЗИМОВ.

Куюнчаклик билан ёзилган

ЧЕВАРЛАР РАНЖИМАСИН

Пойтахтимиздаги В. И. Ленин номидаги маиший хизмат уйига қарашли 244-тикув устахонаси ташкил этилганига 35 йил вақт ўтибди. Унда меҳнат қилаётган тикувчи аёлларнинг аксарияти кўп йиллардан бери шу ерда ишлашади. Кўпчилигининг сочига оқ оралаган тикувчилар буюртмачилар кўнглини шод қилишга интиляптилар.

Тикувчилик устахонасида Сурайё Расулова етакчилик қилаётган бригадага кўли гул чеварлар тўпланишган. Улар ўз касбларининг ҳақиқий усталари. Лекин шунга қарамай ўз имкониятлари даражасида ишлай олмаяптилар. Бригада етакчиси бунинг сабабини меҳнат шароитлари яхши эмаслиги билан изоҳлади. Иш қуролларининг йўқлиги, тикув машиналарининг аллақачон эскириб кетганлиги одамларни қийнаб қўйяпти. Ахир, эскирган ускуналарда унумли ёки сифатли иш қилиб бўладими?

— Зиммамизга 16-17 минг сўмлик буюртмани тикиш мажбурияти юкланган, — дейди бригадир.— Лекин уларни ҳар доим ҳам адо этолмаяпмиз. Ипларнинг, газлама ва ҳоказоларнинг етишмаслиги қўлимизни боғлаб қўйяпти.

Меҳнатга чанқоқ чеварларимиз вақтларини бекорга сарфлаяптилар, — дейди бригада ишчиси Муҳайё Ризаева, — натижада баъзи тикувчиларимизнинг ойлик маоши 100 сўмга ҳам етмаяпти. Агар меҳнат шароити яратиб берилса, биз мажбуриятни ортиғи билан адо эта оламиз.

Ҳа, кўп йиллик тажрибага эга бўлган чеварларимизнинг ташвишлари ниҳоятда ўринли. Бугун қизларимиз ялял ёнадиган чиройли либосларни қаерда тиктиришни билмай юрсалару, устахонадаги тикувчилар бекор ўтиришса.

Наҳотки бош корхона — В. И. Ленин номидаги маиший хизмат уйи раҳбарлари бу устахонани ёддан чиқариб юборган бўлишса? Ахир, иш кучидан оқилона фойдаланиш бугун биринчи навбатдаги масалалардан деб таъкидланяпти-ку.

Раҳбарлар бу меҳнат жамоасида инсон омилини ҳам ёддан чиқарган кўринадилар. Чунки даволаниш ва дам олишга ажратиладиган йўлланмалар бу ерга етиб келмайди.

Чеварларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва ижтимоий масалаларга эътибор бериш фурсати етмаганмикан?

И. ҒАНИЕВ.

Хориждан хабарлар

⊙ ВАШИНГТОН. Президент Ж. Буш конгрессда республикачилар ва демократлар раҳбарлари билан учрашув ўтказиб, уларни олий даражадаги Совет—Америка учрашуви натижаларидан хабардор қилди. «У бизнинг Совет Иттифоқи билан муносабатларимизнинг умумий характерига алоҳида эътибор берди, олий даражадаги учрашувни ўз мамлакати учун тарихий истиқбол нуқтан назаридан кўриб чиқишга уринди. Бу мамлакат Чехословакия ва Польшага, Руминия ва Венгрияга демократиянинг кириб келишига ёрдам берди, Шарқий Германия тўғрисида ва Берлин деворининг қулаши ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади», — деб хабар қилди Оқ уйнинг матбуот секретари Марлин Фицуотер.

«Президент, — деб давом этди у, — мамлакатда иқтисодий ва демократик ислоҳотлар ўтказаётган Совет Иттифоқини таърифлаб берди ва биз уларнинг шу йўлни давом эттиришларига ёрдам беришдан кўп жиҳатдан манфаатдор эканлигимизни айтди. Айни пайтда у Совет Иттифоқи билан муносабатларимиздаги кўпгина қийинчиликларни таърифлаб берди».

⊙ БРАТИСЛАВА. ЧСФР миллий яраш ҳукумати бошлиғи Мариан Чалфанинг Шарқий Словакия металлургия комбинати меҳнат коллективининг Кошица шаҳрида бўлиб ўтган митингда сўзлаган нутқи шу ҳукуматнинг ўтган ярим йил учун берган ўзига хос ҳисоботи бўлди. У ялпи сайловга тайёргарликни, турмушнинг турли соҳаларида кўплаб қонунлар қабул қилинганлигини ҳукумат ҳал этишига тўғри келган энг муҳим вазифалар қаторига киритди.

ЧСФР ҳукуматининг Раиси ўз нутқининг анчагина қисмини мамлакатдаги долзарб иқтисодий муаммоларга бағишлади. У Чехословакия хўжалигининг марказлашишдан бозор механизмига ўтиши жараёнининг мураккаблигини таъкидлади. Умуман ислоҳот 1993 йилгача тугалланиши керак.

Келаси йил бошларида ҳукумат нарх-навони «озодликка чиқариши» керак, бу «бутун иқтисодий ислоҳотдаги энг нозик ва баҳсли масаладир».

ҚОҲИРА. Саудия Арабистонининг Тоиф шаҳрида Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлиги кенгаши (ФКАДҲК)га аъзо мамлакатларнинг молия-иқтисодий ҳамкорлик комитетининг 25-сессияси ўз ишини бошлади, деб хабар қилди МЕНА агентлиги. Кенгашга аъзо олти мамлакатнинг молия ва иқтисодиёт министрлари бошқа регионал иқтисодий ташкилотлар, аввало Европа иқтисодий ҳамжамияти билан ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек ФКАДҲК доирасида ягона божхона сиёсати масалаларини ҳам кўриб чиқадилар. Бахрайн, Катар, Қувайт, Бирлашган Араб амирликлари, Уммон ва Саудия Арабистони ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлишган.

ЯҚИН ШАРҚДАГИ можаронинг бошбошдоқлиги регионда зўравонлик хавфли авж олишига сабаб бўлмоқда, деб таъкидлади Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамжиҳатлик ишлари вазири Дуглас Хэрд. МЕНА агентлигининг хабар қилишича, у Саудия Арабистонига қилган ташрифи сўнггида журналистлар билан суҳбатлашиб, Исроилни фаластинликлар билан бевосита музокаралар бошлашга даъват этди. Хэрд ўзининг тўрт банддан иборат тартибга солиш режасини баён этди. Унда АҚШнинг тинч жараёндаги ролини фаоллаштириш, унга халқаро тус бериш, террорчилик усулларидан воз кечилгани хусусида Фотнинг расмий тасдиғи, Исроил ҳукумати билан фаластинликлар ўртасида музокаралар бошлаш кўзда тутилган.

ЛОНДОН. Исроил ҳукуматининг «Ликуд» блокидан бўлган аъзолари шу ҳафта охирига бориб, ўта ўнг партиялар билан «тор» даражада уюшиш асосида мамлакатнинг янги ҳукуматини тузиш ниятида эканликларини эълон қилдилар, деб хабар берди Рейтер агентлиги. Бу ҳақдаги қарор Исроилнинг собиқ савдо ва саноат вазири, «Ликуд»нинг ўта ўнг вакили Ариел Шарон агар ҳозир бош вазир вазифасини бажариб турган Ицках Шамир ўз кабинетини туза олмаса, бу ишни ўзи амалга оширишини айтиб, пўписа қилганидан кейин кўп ўтмай, вазирларнинг якшанба кунги мажлисида қабул қилинганига кузатувчилар эътиборини қаратишмоқда.

«Ликуд» билан шу йил 15 мартида тарқалиб кетган Исроил меҳнат партияси ўртасида қайтадан иттифоқ тузилишини кўпчилик шарҳловчилар эҳтимолдан узоқ деб ҳисоблашмоқда. Чунки «Ликуд» Қоҳирада Фаластин делегацияси билан музокара олиб боришдан бош тортган эди. Меҳнат партиясининг таниқли арбоби, собиқ мудофаа вазири Ицхак Рабиннинг фикрича, шундай музокаралар олиб бориш хусусида «Ликуд»нинг розилигини олмай туриб «у билан коалицион ҳукумат тузиш тўғрисида ҳатто маслаҳатлашувлар бошлашдан ҳам ҳеч бир маъно чиқмайди». Шамирга ҳукумат тузиш учун берилган муддат пайшанба куни тугайди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатида ўғирлаб кетилган Би-Би-Си мухбири Юсуф Жамил озодликка чиқарилди. Ҳиндистон ахборот агентликларининг хабар қилишича, у уйига куннинг иккинчи ярмида қайтиб келган ва ҳозир соғ-саломатдир.

Ю. Жамилни Ҳиндистон армияси формасини кийган номаълум шахслар олиб чиқиб кетишган эди. Гувоҳларнинг таъкидлашича, унинг боргоҳи ёнига ҳарбийларнинг енгил автомобили ва 15 нафар аскар тушган юк машинаси келиб тўхтаган ҳамда Юсуф Жамилни номаълум томонга олиб кетишган. Гарчи Юсуф Жамилнинг ўзи буни тасдиқлаб, матбуот вакилларига ўзининг бир кеча-кундуз ичида маҳбус сифатида Бавар, Летапор, Кханабал армия лагерларида бўлишга улгурганини айтган бўлсада, штат ҳукуматининг расмий вакили сўнгги дақиқагача «Армия Би-Би-Си мухбирини қамоққа олмаган», деб таъкидлайверди.

(ТАСС).



АНГЛИЯ. Филларни асраш учун кураш давом этмоқда. Еввойи ҳайвонот дунёсининг Кения маркази директори Ричард Лик (суратда) Лондонга келиб, Британия ҳукуматидан мавжуд фил суяклари запасларини сотиш бўйича Гонконг савдогарларига рухсат бериш тўғрисидаги қарорни бекор қилишни талаб этди.

АП—ТАСС телесурати.

Тил тўғрисидаги Қонун—амалда

НУТҚ МАДАНИЯТИНИ ОШИРАЙЛИК

СҮНГГИ йилларда оммавий ахборот воситалари тил муаммоларига алоҳида эътибор бераётган бўлиб қолди. Рўзнома саҳифаларида, радио ва телевизион эшиттиришларда бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилини эгаллаш борасидаги ютуқлари ёритилмоқда. Бу яхши, албатта. Лекин тил тарғиботида ҳам мувозанат бузилмаслигига эришиш лозим. Зеро, давлат тили ҳақидаги Қонун жумҳуриятимизда яшовчи кишиларнинг барчаси учун дахлдордир.

Турғунлик даври ўзбек тили лексикасидаги ўзгаришлар фақат ижтимоий-иқтисодий омиллар самарасигина десак, жуда ҳам тўғри бўлмас. Чунки тилларнинг бир-бирига яқинлашиб бориши ва қўшилиб кетиши ҳақидаги ғайриилмий назариянинг, «иккинчи она тили»дан андоза олиш «истаги»нинг ҳам «баракали» ўрни бор. Тилшуносликда миллий тиллар терминологиясини уйғунлаштириш, умумий лексик фондни яратиш ҳар жиҳатдан маъқулланибгина қолмай, тилларни байналмилаллаштириш ва уларнинг бойишини марказлаштириш нуқтаи назари ўртага ташланди. Ҳатто СССРдаги миллатларнинг рус тилини жадаллик билан ёппасига эгаллаш даражаси коммунизм қуриш суръатини белгиловчи мезон даражасига кўтарилди.

Ўз навбатида ўзлаштирма сўзларни ўзбек тили фонетик қонуниятларига мослаштириб эмас, балки ёзилиши ва айтилиши жиҳатидан аслига мувофиқ тарзда ўзгаришсиз олишни қондалаштириб олдик. Бу ёзма ва оғзаки нутқ ўртасидаги «жарлик»нинг яна чуқурлашишига сабаб бўлди. Оқибатда норма догма даражасида тушуниладиган, айрим сўз гуруҳларини ишлатиш тақиқланадиган бўлиб қолди. Савоб, гуноҳ, имон қавмидаги сўзлар «диндорлик»да айбланиб, тарихий луғат омборига бадарға қилинди. Биз эса «савоб» нимаю, «гуноҳ» нималигини унутиб қўяй дедик. Тил луғатидаги ҳар бир сўз, у эскими, янгими, бундан қатъи назар, ўзбошимчалик, билан ўйлаб топилган шакл-уйдирма бўлмай, тафаккур оламидан хабар берувчи элчи ҳамдир. Алишер Навоий «Тил мухбир эрур» деганларида сўзнинг олам моҳияти-ю, кўнгил ҳолини зоҳир этиш хислатини «алфоздан маъни фаҳм бўлур»ини назарда тутганлар.

Оғзаки нутқнинг ўзига хос услубий товланишларидан, бой имкониятидан фойдаланиш ёзма нутқнинг жонли ва таъсирчан бўлишига ёрдам беради. Бу имконнятдан оммавий ахборот тилида кенгроқ фойдаланилса ёмон бўлмайди. Давлат тили мақоми биринчи навбатда ёзма нутққа дахлдор. Лекин у оғзаки нутқдан кескин фарқ қилувчи мавҳум намунага айланиб қолмаслиги ҳақида ўйлашимиз керак.

Тўғри, рус тилининг бошқа тилларга таъсир доирасининг кенглиги, энг аввало, инқилобий ўзгариш тақозо этган ижтимоий, иқтисодий, маданий-сиёсий омиллар билан бевосита боғлиқ. Лекин бунда тиллар ўзаро муносабатига, бир-бирини бойитиш жараёнига бир ёқлама ёндошишнинг — тилларни марказлаштиришнинг сезиларли таъсири борлигини ҳам тан олишимиз керак.

Академик Л. В. Щерба услуб қурилиши бузилган тилни сози бузилган мусиқа асбобига ўхшатар экан, «мусиқа асбобини дарҳол қайта созлаш мумкин, тилнинг услуб қурилиши эса асрлар давомида яратилади» деб таъкидлайди.

Ўзбек адабий тилининг барча нутқ услубларини айниқса, расмий ва илмий услубларини фаоллаштирмай туриб, унинг «созини»ни тўғрилаб бўлмайди... Она тили деб аталмиш сеҳрли куйнинг ҳар бир пардаси (услуби)ни, улардан тараладиган яхлит мусиқани фаҳмлай олишгина нутқ маданиятининг юқорилигини таъминлайди. Акс ҳолда ҳозиргидай илмий тадқиқотларни, ҳужжатларни ўзбек тилида ёзиш «техника»сини унутиб қўямиз. «Мошкичири» атамалару қурама либосдаги нутқ амаллари ҳам шу асосда юзага келади. Бундай нутқ билан фан чўққиларини эгаллаш ҳақиқатан ҳам осон бўлмайди. Тайёр терминларни ўзлаштиришга асосланган «осон» йўлнинг эса ўзбек терминологиясидаги ҳозирги аҳволни ўзгартириши мушкул. Миллий терминология илмий-техник фикрлаш тарзини қарор топтиради.

Шахснинг нутқ маданияти, энг аввало, таъсирида юзага келган дейиш мумкин. Акс ҳолда, биз расмий услуб учун зарур сўз ва ифодаларни, ҳужжатнавислик учун яроқли нутқ андозаларини қидиришга, ишлаб чиқишга ҳозиргидай зарурат сезмаган бўлардик. Албатта, анъанавий ҳужжатнавислигимиздаги айрим ижобий жиҳатларни ҳам бир кўздан кечириб, унинг ижобий услубларини қўллаш ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Ҳозирги иш юритиш амалида ҳатто оддий справка ёки характеристика ёзишнинг ҳам кўпчилик томонидан тан олинган қатъий бир андозаси йўқ. Матбуот саҳифаларида турли идоралар қаламига мансуб «ушбуни кўрсатувчи... ҳақиқатан ҳам колхозда ишлайди, ...йилда туғилган, аёлванд ўртоқ..., ўтган мавсумда ...тонна пахта териб берди. Бу йил ҳам оби ҳаво қулай келса яна шунча ...теришга ваъда беряпти. Характеристика...га туристический путевка билан сеҳрат қилиш учун берилди» сингари «чаламулло» ҳужжат намуналарининг тез-тез танқид қилиниши шундан далолат бермайдими?

Район халқ таълими бўлими қошида тузилган ўқув ишлаб чиқариш комбинатларидаги машинкада ёзув курсларининг аксарият қисми ҳануз рус тилида олиб борилмоқда. Бинобарин, рус тилини, айниқса, рус имлосини яхши билмайдиган ўқувчиларнинг бу курсларда таълим олишларини чекловчи омиллар бартараф этилганича йўқ. Мактаблар ва район халқ таълими ходимлари эса бунга эътиборсизлик билан қараб келмоқдалар. Яхши тайёргарликка эга бўлган машинисткаларни тарбияламай туриб, ўзбек тилининг «созини бузилган» расмий-идоравий услубини» «созлаб» бўлмайди.

Шу боис иш юритиш, идоравий бошқариш қоғозлари андозаларини ишлаб чиқиш ва тартибга солишни марказлаштириш ниҳоятда зарур, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун ҳужжатнавислик асосларини ишлаб чиқарувчи ва тавсия этувчи махсус комитетми, комиссиями ташкил этилса, айни муддао бўлар эди. Давлат тили мақомининг биринчи навбатда расмий-идоравий услубга дахлдорлиги шуни тақозо этади. Бусиз ҳужжатшуносликдаги турли хилликни, бош-бошдоқликни бартараф этиш қийинга ўхшайди. Ҳужжатнависликни шакллантириш кўп вақт ва катта кучни талаб қилади. Бу жараённи бошқаришда рус тили расмий услубининг шаклланиши ва тараққий этиши тарихи ва тажрибасидан ҳамда ҳужжатнавислик намуналаридан ижодий фойдаланиш керак бўлади. Лекин бу кўр-кўрона нусха кўчириш, тайёр атамаларни, идоравий ифодаларни айнан таржима қилиб олиш тарзида эмас; ўзбек тилининг ички қонуниятларига асосланган ҳолда амалга оширилиши лозим. Матбуот тилида кузатилаётган изланишлар, янгиланишлар эса адабий нутқ услубларига «ихтисослашган» сўз ва ифодалар имкониятини янада кенгайтиришга, улар ўртасидаги услубий-стилистик фарқланишни қарор топтиришга ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилса ажаб эмас. Бу жамиятнинг тилдан фойдаланиш жараёни ва малакаси билан боғлиқ. Бинобарин, тил соҳасидаги изланишларни шошма-шошарлик билан баҳолашни амалий нутқ жараёни учун ҳар доим ҳам фойдали, деб бўлавермайди. Адабий нормаларни белгилаш, қайд этиш нормалаштириш жараёнида илгарилаб кетмаслиги лозим. Айни пайтда ўзбек адабий тилида ошкоралик руҳига мос нормаллаштириш жараёни кетаётганлигини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади.

Ирисалн ТОШАЛИЕВ,
филология фанлари номзоди, ТошДУ доценти.

Ёдномалар

ЁҚУТДЕК ТОВЛАНГАН УМР

⊙ Халқимиз орасидан етишиб чиққан истеъдодли сўз усталари ўзларининг ўткир аскияларн ва ҳозиржавобликлари билан давраларни қизитиб, меҳнаткаш халққа завқ улашиб келганлар. Бизнинг асримизда ҳам Ҳожи Сиддиқ Исломов, Миршоҳид Мироқилов, Юсуфжон Қизиқ, Охунжон Қизиқ, Соиб Хўжаев, Раҳим Пирмуҳамедов, Ғанн Аъзамов, Набн Раҳмов каби буюк кулги усталари етишиб чиқдилар-ки, уларнинг таърифига ҳожат йўқ. Улар орасида атоқли кулги устаси Соиб Хўжаевнинг ҳам алоҳида ўрни бор. У умрини, истеъдодини, бор маҳоратини элнга бағишлаган машҳур ва айни пайтда камтарин инсон сифатида барчанинг қалбида унутилмас из қолдирди. Лекин шуни афсус билан айтиш керакки, кулги дарғаси — Ўзбекистон ССР халқ артисти Соиб Хўжаев вафотидан сўнг бир неча йил ўтса ҳам унинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш ишлари оқсаётганди. «Тошкент оқшоми» рўзномаси биринчилардан бўлиб ушбу масалани халқ ҳукмига ҳавола этди. Сўнг бир неча бор яна шу мавзуга қайтилди. Бу саъй-ҳаракатлар зое кетмади. Соиб Хўжаев таваллудининг 80 йиллигини ишонлаш арафасида Ўзбекистон ССР Маданият жамғармаси бошчилигида бир қанча тадбирларни ўтказиш назарда тутилган. Жумладан, эртага, 9 июнь куни эрталаб санъаткоримиз дафн этилган қабристонда унинг бюсти, у истиқомат қилган «Марказ—5» мавзесидаги уйда эса меморнал лавҳанинг очилиши бўлади. Шу кини кечқурун Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театрида республикамиздаги етакчи кулги усталари иштирокида хайрия кечаси ўтказилади. Шу муносабат билан мухбиримиз Соиб Хўжаев таваллудининг 80 йиллиги арафасида кулги дарғасининг сафдошлари ва шогирдлари билан мусоҳаба ўтказиб, уларнинг дил сўзларини ёзиб олди.





Соатали МАҲСУДОВ, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос, жумҳурият миқёсидаги шахсий пенсионер:

— Мен Соибжонни у Тошкентга келган пайтларидан бери биламан. Биз жуда қалин дўст эдик. Ёшимиз тенг бўлса ҳам бир-биримизни ака дердик. Уша вақтда мен Шайхантоҳурда истиқомат қилардим. Деярли ҳар куни Соибжон билан учрашиб, отамлашиб турардик. Хўп даврлар эди-да. У пайтларда Шайхантоҳурда ҳовуз атрофига қурилган ўндан ортиқ чойхона бўлиб, бу чойхоналар кишиларнинг ҳордиқ чиқарадиган севимли сайилгоҳи эди. Бир томонда беданалар сайраган, чойхонанинг ҳовлисида ошу шўрвалар қайнар, ичкарида эса ашула, аския ва қаҳ-қаҳалар тинмасди. Ҳатто Фарғонаю Кўқон томондан кишилар келиб, ойлаб чойхонада туриб дам олиб кетардилар. Соибжон бу даврларда аскияларга ҳам қўшилишиб турарди, одамгарчилик туйғуси жуда кучли эди. У кишилар қайғусига доимо шерик бўларди. 1945 йилда Октябрь (собиқ Москва) район халқ судининг раиси эдим. Соибжон эса халқ маслаҳатчиси бўлиб, бўш вақтининг кўп қисмини шу ишга бағишларди.

Биз кўпинча Чуст, Наманган, Кўқон, Олмалиқ, Попга Соибжон билан бирга борардик. Уни кўрибоқ одамлар йиғилиб келардн.

Попда Маматёқуб, Ҳайдар чўлоқ деган машҳур аскиячилар бўлиб, Соибжон келганда халқни йиғиб аския айтишни бошлашарди. Соибжон пиёлани ушлаб, ичаймн, ичмаймн деганида одамлар қорнларини ушлаб қотиб-қотиб кулардилар.

Бундан 2—3 йиллар олдин жуда қайғули бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Соибжоннинг қабрини зиёрат қилиш учун боргандим. Болалар лолақизғалдоқларни териб келиб, унинг қабрига қўярдилар. Улар: «Амаки, қаранг, ҳамма ерда ёдгорлик бор, бу кишининг қабрларига эса ҳеч нима қўйилмаган», деганларида кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Шунча йил саҳнада жавлон урган халқ санъаткорига ҳурмат шуми, деб кўнглим вайрон бўлганди. Ҳукуматимизга минг раҳмат, ёдгорлик лавҳа ва бюст ўрнатишаётганини эшитиб, ўзимда йўқ хурсандман.

Омина ФАЁЗОВА, Ўзбекистон ССР халқ артисти:

— 1939 йили Миршоҳид Мироқилов ташаббуси билан Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театри ташкил этилди. Биз у киши билан бир вақтда ушбу театр даргоҳига келганмиз. Спектаклларда кўпинча бирга роллар ижро этардик, умуман биз бир-биримизнинг дилимизни жуда яхши тушунардик, шу сабабдан бирга саҳнага чиққанимизда ўз-ўзидан сценарийда бўлмаган қизиқ-қизиқ сўзлар қуюлиб келаверарди. Айниқса, «Тошболта ошиқда» мен қоқиладиган кичик бир кўринш бўлиб, шунда «Кампир, сал қолди-я ўқиб турган номозимнинг жанозага айланишига» қабилидаги гапларни тўқиб чиқиларни кулдирардилар, «Ажаб савдолар»да ҳам жуда очилиб ўйнардик. Баъзан спектакль пайтида олдинги қаторда ўтирган оғайнларига бенхтиёр сўз қотадиган одатларн ҳам бор эди. Бу киши билан фақат саҳнадагина эмас, турли тўй ва йиғинларда ҳам кўпинча бирга иштирок этардик. Ва қизиқ-қизиқ ҳангомаларга дуч келардик.

Бир куни тўйда Соиб ака ўртага чиқиб ўтирганларни кулдиришга роса ҳаракат қилиб кўрдилар, ҳатто «Тошболта ошиқ» ҳам уларга таъсир қилмади. Шунда Соиб ака бўшашиб, «Шунча қилсам ҳам бўлмади, бу ердагиларнинг ҳаммаси циркда ишлар экан. Узинг чиқақол», дедилар. Мен чиққач, кечага файз киргандек бўлди. Кейин билсам, йиғилганлар «Соиб аканн бир сиқиштирамиз», деб ҳазиллашишган экан. Яна бир жойда тўй тугагач, мезбонлар Соиб акага тўн, турли совға-саломлар бериб, машина топа олмай «Тез ёрдам»га ўтказиб юборадилар. Вақт алламаҳал бўлганда бечора ҳайдовчи саросимада қайтиб келиб, «Ая, ая, бояги одам қаерда туради? Тугуннни машинада қолдириб, ўрнига операция қутисини олиб тушиб кетибди. Қидириб уйини топа олмадим», дея ҳовлиқиб келиб қолди. Соиб аканинг уйларига борсак, қути айвонда турган экан. Совға-саломни қўйиб, қутини олиб чиқиб бердим.

Бахтиёр ИХТИЁРОВ, Ўзбекистон ССР халқ артисти:

— Соиб Хўжаев гўзал инсон, ажойиб санъаткор, гина-кудуратни билмайдиган камтарин киши эди. Мени худди ўз ўғилларидай кўрардилар. Тошкентга 1959 йили келганман. Эсимда, «Азиз ва Санам» спектаклининг репетицняси кетарди. У пайтларда репетицнялар жуда гавжум ўтар, бўлмаганда 150—160 актёр иштирок этарди. Шунда у киши бу йигит шогирдим, деб жамоага таништирганлар.

Ёшликда шўхроқ ўсганим учунми, мени кам мақтардилар, ҳатто ўзларига яқин олиб урган ва сўккан пайтлари ҳам бўлган. Албатта, бу қатиққўллик келажакда ўз мевасини берди. Лекин қаерга борсалар мени ўзлари билан олиб юрардилар. Халқ билан муомала қила олиш катта санъат. Мен Соиб акадан шу фазилатни ўрганганман. Қолаверса, бир нечта асарлар, жумладан, «Ўғил уйлантириш», «Ажаб савдолар» иккимиз учун атаб ёзилганди. Ҳар сафар янги бир гапни гапирадиган, ҳозиржавоб инсон эди.

1964 йили «Ёр-ёр» фильмини суратга олиш пайтида жуда қизиқ воқеа рўй берган. Футбол кўринишини суратга оляпмиз, рақибимиз Уругвайнинг энг кучли командаларидан бири бўлмиш «Насьонал» эди. Умуман, ўша пайтларда биз доим «Пахтакор» ўйнайдиган куни ош қилиб, сўнг стадионга ташриф буюрардик. Хуллас, режиссёр келиб Соиб акага рақиб дарвозасини кўрсатди ва «Агар биз тўп киритсак, бақираверасиз», деди. Иттифоқо, ўйинининг биринчи бўлимида тўп кирита олмадик. Иккинчи бўлимда эса худди ўша дарвозага рақибларимиз гол уришди. Ҳамма жим. Соиб акам дарвоза ўзгаргандан бехабар ўринларидан туриб урра, деб бақириб юбордилар. Режиссёр келиб «нима гап» деса, «Ахир шу томондаги дарвозага тўп киритилса бақиринг деб айтдингларку», десалар бўладими. Ҳа, у кишн ажойиб инсон эди. Тошўҳжа Хўжаев деган режиссёримизнинг бир гаплари бор эди: актёр уч тонфага бўлннади — ёқут 50 йилда бир туғилади, тилласи ҳар 10 йилда пайдо бўлади, кумушлари эса ҳар қадамда учрайди. Соиб Хўжаев ҳам ёқут актёрлардан эди.

Сурьат ПЎЛАТОВ, Ўзбекистон ССР халқ артисти:

— Театрга 1956 йилда келганман. У пайтда янги келган актёрни 2 ой давомида синовдан ўтказардилар. Театримизда «Азиз ва Санам» мусиқали драмаси қўйиларди. Соиб акам менга ўз ролларини ишониб топширдилар. Дастлаб Исфандиёрхоннинг навкари қиёфасида саҳнага чиқдим. Ҳатто спектаклдаги Хоразм халқ қўшиғи «Оғамирзам Ратолла»ни ҳам менга қунт билан ўргатганлар. Бу, албатта, у кишининг ёшлар келажагига, бефарқ эмасликларидан эди. Сўнг «Фарғона ҳикояси» спектаклини саҳналаштирдик. Унда Соиб акам менинг бўлажак қайнотам Кичкинахўжа ролини ижро этардилар. Бу образ Соиб Хўжаевнинг ҳақиқий халқ санъаткори сифатида шаклланганини яна бир бор намойиш этди. Шунингдек, менинг ҳам актёр сифатида танилишимда катта омил бўлди. Кейинчалик у киши билан бирга «Равшан ва Зулхумор», «Гулисиёҳ», «Икки билакузук», «Тошболта ошиқ» ва шу каби қатор спектаклларда биргаликда турли образлар яратдик.

⊙ Ҳа, юқоридаги саммнй дил сўзларига қўшилмай илож йўқ. Соиб Хўжаев каби ёқут актёрлар 50 йил эмас, ҳатто 100 йилда бир дунёга келиши мумкин. Соиб ака ижролардаги бирорта спектакль кинолентага туширилмаган, у кинода ижро этган роллар бармоқ билан санарли бўлса-да, уларнинг ҳар бири бетакрор ва халқ қалбидан абадий ўрин олганлиги билан ажралиб турадн.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТДА: Соиб Хўжаев [ўнгда] «Ўғил уйлантирнш» саҳна асарида.

С. Маҳкамов сурати.

Ҳунармандлар растасига марҳамат

Кўргазмада ким ошди савдоси

Инсон гўзаллик мафтуни. Тошда ҳам гул ундирадн, олтин қўлларн билан мўъжизалар яратади. Бу билан ўзининг буюклиги — маънавий камолати, ақл-идроки ва маҳоратини намоён этади.

Йигирма саккизинчи майдан берн Ўзбекистон Халқ хўжалигн ютуқларн кўргазмасида намойиш этилаётган жумҳурият халқ усталарининг ноёб буюмларн кўргазмаси фикримизнинг далили бўлади. Кўргазмада халқ ҳунармандчилигининг 250 дан ортиқ буюми намойиш этилмоқда.

Кўргазма залларн бўйлаб юрамиз. Биринчи бўлимда халқимизнинг қадимий кулолчилик санъатн намуналарн ўрин олган. Катта-кичик лаганлар, чойнак, пиёла каби буюмлар катта маҳорат билан кулолчилигимиз анъаналари асосида ясалган.

Мис кўзача бўйнидагн нафис нақшлар: мажнунтол остидаги қирқ кокилли мунис қиз ўзбек хотин-қизларининг машаққатли ўтмишидан ҳикоя сўзлаётгандек бўлади. Бу бўлимда металл ва мисга гул солишнинг қадимий, афсуски йўқолиб бораётган усулларидан маҳорат билан фойдаланилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳар бирн ягона нусха ҳисобланган бу буюмлар жумҳурнятдаги «Уста» деб номланган бирлашма аъзоларининг ижодиётига мансубдир.

Кулолчилик санъатининг машҳур усталарн А. Абдуғаниев, Р. Ҳикматова, А. Назруллаев, заргарлик буюмларн ва тиллақош ясаш усталарн М. Чамкурлапов, Ф. Дадамуҳамедов, моҳир гиламдўзлар А. Отабеков ҳамда Санда Харитонларнинг ноёб буюмларн кишини мафтун этади. Ёғоч ва ганч ўймакорлигн усталарн санъати бетакрордир. Улар оддий ёғочга ҳам жон ато этишганнни томошабинлар эътироф этишмоқда. Айниқса катта маҳорат билан тикилган каштачилик ва заргарлик буюмлари қадим-қадимдан келинчаклар учун қимматли совға бўлиб келган. Ж. Ҳасанова ҳамда С. Тоҳиров томонидан ишланган нусхалар жилваси кўзни олади. Сўнгги бўлимдаги бошқа буюмлар орасида моҳирона ишланган ўзбек халқ чолғу асбобларига кўзингиз тушади. Тор, ғижжак, рубоб... қулоғингизга мозийдан муножоотнинг мунгли оҳанги келгандек бўлади гўё...

Мазкур кўргазмани юзлаб нхлосмандлар томоша қилишди. Энди навбат буюмларнинг кнм ошди савдосига.

Ҳунармандлар растасига марҳамат.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ

СССР 60 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ҚИЕВ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

1990 ЙИЛ УЧУН

ҚЎЙИДАГИ ФАКУЛЬТЕТЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МЕХАНИКА ФАКУЛЬТЕТИ (ўқиш муддати — 5 йилу 6 ой) ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

— учиш аппаратлари ва двигателларини техникавий ишлатиш, янги авлод самолётлари (ТУ—204, ИЛ—114, ИЛ—96 ва ҳоказолар)нинг борт гидропневматик системаларини техникавий ишлатиш;

— янги авлод самолётлари (ТУ—204, ИЛ—96, ИЛ—114 ва ҳоказолар)нинг авиацион қувватга оид қурилмаларни техникавий ишлатиш;

— техникавий диагностикалаш ва назоратнинг бузмайдиган усуллари. Мутахассисга механик—муҳандис малакаси берилади;

АВИАЦИОН ЕР УСТИ ТЕХНИКАСИ ФАКУЛЬТЕТИ (ўқиш муддати — 5 йилу 6 ой) ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

— ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш, транспортга ортиш, ёнилғи қуйиш воситаларини техникавий ишлатиш ва ёнилғи-мойлаш материаллари сифатини текшириш;

— аэропортларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, техникавий ишлатиш ва тузатиш.

Мутахассисга «механик—муҳандис» малакаси берилади;

ҲАВО КЕМАЛАРИНИ УЧИРИБ ИШЛАТИШ ФАКУЛЬТЕТИ ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

— Учиш аппаратлари ва двигателларини учириб ишлатиш.

Мутахассисга «механик—муҳандис» учувчи малакаси берилади.

Ўқиш муддати — 5 йилу 2 ой;

— учиш аппаратларининг қувватга оид қурилмалари ва функционал системалари.

Мутахассисга «механик—муҳандис» (борт—муҳандис) малакаси берилади.

Ўқиш муддати — 5 йилу 6 ой;

АВИАЦИЯ УСКУНАЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ (ўқиш муддати 5 йилу 6 ой) ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

— ҳаво кемаларининг электр, асбоб ва учувчилик — навигация ускуналарини техникавий ишлатиш;

Мутахассисга «электрчи—муҳандис» малакаси берилади;

Автоматика ва ҳисоблаш техникаси факультети:

мутахассислик—ҳисоблаш машиналари, системалари, комплекслари ва тармоқлари, қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

— ихтисослашган электр ҳисоблаш машиналари, системалари, комплекслари ва тармоқлари.

Мутахассисга «системотехник—муҳандис» малакаси берилади.

Ўқиш муддати — 5 йил;

мутахассислик — ахборотларни қайта ишлаш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари, қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

— ҳақиқий вақтни бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари (АСУ ва РВ);

— илмий тадқиқотлар ва комплекс синовларнинг автоматлаштирилган системалари (АСНЦ ва КЦ);

ахборотларни қайта ишлаш ва акс эттиришнинг автоматлаштирилган системалари (АСО ва ОИ).

Мутахассисга «системотехник—муҳандис» малакаси берилади.

Ўқиш муддати 5 йил;

АВИАЦИЯ РАДИОЭЛЕКТРОН УСКУНАЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

— учиш аппаратларининг радиоэлектрон ускуналарини техникавий ишлатиш;

— учиш аппаратларининг навигацион ва қўниш комплексларни техникавий ишлатиш;

— аэропортларнинг радиолокацион ва радионавигацион системаларини техникавий ишлатиш;

— аэропортларнинг алоқа системаларини техникавий ишлатиш.

Мутахассисга «радиомуҳандис» малакаси берилади.

Ўқиш муддати — 5 йилу 6 ой;

АВИАЦИЯ ИШЛАРИ ВА ТАШИШ ФАКУЛЬТЕТИ ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

— ҳаво транспортида ташишни ташкил қилиш ва бошқариш.

Мутахассисга «ташкил қилиш ва бошқариш бўйича муҳандис» малакаси берилади.

Ўқиш муддати — 5 йил.

АЭРОПОРТЛАР ФАКУЛЬТЕТИ ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

— аэродромлар.

Мутахассисга «қурувчи—муҳандис» малакаси берилади.

Ўқиш муддати — 5 йил.

ЎҚИШГА САЛОМАТЛИГИ ЖИҲАТИДАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИДА ИШЛАШГА ЯРОҚЛИ БЎЛГАН, ЁШИ 35 ДАН ОШМАГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ШАХСЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўзлаштирувчи талабаларга I, II, III, IV курсларда 40 сўм, V ва VI курсларда 45 сўмдан стипендия берилади.

Барча талабаларга кийиш муддати давомида бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан қийматининг 25 фоизи тўланган ҳолда формали кийим-бош берилади.

Кўпчилик талабалар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

АРИЗАЛАР — 26 ИЮНДАН 16 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: маълумотн тўғрисида ҳужжат (асли), сифатнома. 086/У андозадаги тиббий шаҳодатнома, 3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Тиббий кўрик қабул комиссиясининг ўтказилмасига биноан кириш имтиҳонлари бошлангунга қадар ўтказилади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 16 ИЮЛДАН БОШЛАНАДИ.

Киев фуқаро авиацияси муҳандислари институтининг минтақавий қабул комиссияларида ихтисосга оид (конкурсли) иккита имтиҳон топширилади, математика (ёзма), физика (оғзаки). Рус тили ва адабиётидан олинадиган ниша конкурсдан ташқари имтиҳон ҳисобланиб, у «қониқарли» ёки «қониқарсиз» сифатида баҳоланади.

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТИШ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА ЎТКАЗИЛАДИ: 700033, Тошкент шаҳри, 33-алоқа бўлими, Гоголь кўчаси, 77-уй. КИИГА филиали.

Минтақавий қабул комиссияларида тегишли қабул ҳудудида ёки унга яқин манзилда истиқомат қилувчи шахслардан ҳужжатлар қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари даврида барча абитуриентларга ётоқхонадан жой берилади.

ЭСЛАТМА: «самолётлар ва двигателларни учириб ишлатиш» ихтисосига механика, авиация, ер усти техникаси, авиация радиоэлектрон ускуналар ва авиация ускуналари факультетларининг иккинчи курсини тугатганлар конкурсли танлов йўли билан қабул қилинади.

«Учиш аппаратлари ва двигателларини учириб ишлатиш» ихтисосига ариза берувчилар қўшимча равишда: бурун катакларининг рентген суратини (рентгенолог хулосаси билан бирга), турар жойидаги руҳий-асаб хасталикларн диспансеридан маълумотномани ҳам топширадилар.

КИИГА қабул комиссияси Актюбинск фуқаро авиацияси олий учувчилик билим юртига «учувчи—муҳандис» ихтисосн бўйича қабул қилади.

Кирувчилар КИИГА даги «учувчи—муҳандис» ихтисосига талаб қилинган ҳужжатларни топширадилар.



◎ БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ — ОЛАМ ҚУВОНЧИ. Шаҳримиздаги 483-болалар боғчаси тарбияланувчиларининг ҳар бир куни шоду хуррамлик билан ўзига хос байрамдек ўтади.

Х. Шоднев суратлари.

Туялар уриши

Туркияда ит, бедана, хўроз, қўй уриштириш одатлари қадимдан маълум бўлиб, булар Ўрта Осиё халқлари ўртасида ҳам учрайди. Бу ерда туялар уриши ҳамон катта қизиқиш туғдиради. Асосан куз пайтларида ўтказилувчи бундай томошалар деҳқонлар ҳосилни йиғиштиришдан кейин бошланади. Тоғ ёнбағирларидаги катта текис майдонлар кўпчилик деҳқонларни йиғади.

Ўйин олдидан деҳқонлар ерда ўтирган жойларида овқатланиб оладилар. Бунда пишиб кетган сап-сариқ бодринг билан нон ейилади. Белига ялтироқ камар боғлаган ва қизил попуклар билан ясатилган катта нортуялар майдоннинг икки чеккасига жойлашади. Улар ўкириб, ғижиниб турганликлари кўринади. Мусиқа чалинади. Шунда туялар қўзғалиб, янада аччиқланади. Туя эгалари уларни майдон ўртасига олиб чиқиб, ўртадан уруғочисини олиб ўтганларида уларнинг ўкиришларидан одам қўрқиб кетади. Бу пайтда улар қутуришади деяверинг.

Ҳар бири тоннадан оғирликка эга икки жонивор бир-бирини ағдариб ташлаш ниятида бошларини қоринлари остига тиқишга ҳаракат қиладилар. Улар бир-бирларини тишлаб тепадилар, дуч келган жойига бадан билан уришади, ўкиришади, йиқилганида бири иккинчисини босиб олади, айланавериб, ҳаммаёқни чангитиб ташлайди. Жанг қилаётган «қаҳрамонлар» бақириқлари қулоқларни битириб юборади. Томошабинларнинг бақириқ-чақириқлари эса ундан ҳам ўтади. Жанг йигирма минутча давом этади. Йиқилган «жангчи»ни иккинчиси босиб олганда енгилгани мунтазам равишда овоз чиқара бошлайди. Шунда бақувват туя кучсизини қўйиб юборади ва у қочиб кетади. Бу енгилиш аломати ҳисобланади. Бу пайтда енгиб чиққан жонивор мағрурона ўкириб қўяди, оёқларини олдига ташлаб, думини осмонга кўтариб туради. Шунда туя эгаси ҳакамлардан гилам билан пул мукофоти олади, одамлар ғолибни қийқириқ билан муборакбод этадилар.

«Қаттиқ қор» оромгоҳи

ТУРКИЯНИНГ жанубида Денизли (Денгизли — Қ. А.) деган вилоят бор. Бу ерда дунёга машҳур Помуккала курорти жойлашган бўлиб, у узоқдан оппоқ қорли тоғларни эслатади. Тарихда бу курорт Гиерополь номи билан маълум бўлиб, уни аслида римликлар қурган. Курорт ҳизматидан асосан бойлар фойдаланишган.

Бир неча километр масофадаги курорт иссиқ минерал сувлари билан одамларни ўзига тортган. Углеродли бирикмаларга бой бўлган бу сувлар тоғ адирларидан оқиб, турли кўринишдаги ажойиботларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Минглаб йиллар давомида тоғлардан оққан сувлар тошларда кальцит минералининг ўтириб қолиши натижасида поғона-поғона айвонлару, пешайвонлар, «стол-стуллар», суҳбатхона-ю супаларни вужудга келтирган. Бир одамлик, икки ёки кўп кишилик ҳовузларни айтмайсизми. Кальцит билан қопланган бу нарсалар шундай тоза ва оппоқки, оқаётган сув зўрға кўринади. Курорт кўп йиллар давомида ўзига ташлаб қўйилган вақтлари ҳам бўлди. Эндиликда унинг хизматидан эслатади. Тарихда бу курорт Гиерополь номи билан маълум бўлиб, уни аслида римликлар қурган. Курорт ҳизматидан асосан бойлар фойдаланишган.

Бир неча километр масофадаги курорт иссиқ минерал сувлари билан одамларни ўзига тортган. Углеродли бирикмаларга бой бўлган бу сувлар тоғ адирларидан оқиб, турли кўринишдаги ажойиботларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Минглаб йиллар давомида тоғлардан оққан сувлар тошларда кальцит минералининг ўтириб қолиши натижасида поғона-поғона айвонлару, пешайвонлар, «стол-стуллар», суҳбатхона-ю супаларни вужудга келтирган. Бир одамлик, икки ёки кўп кишилик ҳовузларни айтмайсизми. Кальцит билан қопланган бу нарсалар шундай тоза ва оппоқки, оқаётган сув зўрға кўринади. Курорт кўп йиллар давомида ўзига ташлаб қўйилган вақтлари ҳам бўлди. Эндиликда унинг хизматидан эслатади. Тарихда бу курорт Гиерополь номи билан маълум бўлиб, уни аслида римликлар қурган. Курорт ҳизматидан асосан бойлар фойдаланишган.

Бир неча километр масофадаги курорт иссиқ минерал сувлари билан одамларни ўзига тортган. Углеродли бирикмаларга бой бўлган бу сувлар тоғ адирларидан оқиб, турли кўринишдаги ажойиботларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Минглаб йиллар давомида тоғлардан оққан сувлар тошларда кальцит минералининг ўтириб қолиши натижасида поғона-поғона айвонлару, пешайвонлар, «стол-стуллар», суҳбатхона-ю супаларни вужудга келтирган. Бир одамлик, икки ёки кўп кишилик ҳовузларни айтмайсизми. Кальцит билан қопланган бу нарсалар шундай тоза ва оппоқки, оқаётган сув зўрға кўринади. Курорт кўп йиллар давомида ўзига ташлаб қўйилган вақтлари ҳам бўлди. Эндиликда унинг хизматидан эслатади. Тарихда бу курорт Гиерополь номи билан маълум бўлиб, уни аслида римликлар қурган. Курорт ҳизматидан асосан бойлар фойдаланишган.

Дам олувчилар қизиган оппоқ тошлардаги ўриндиқларда ўтириб, шундоқ ёнларидаги ҳовузларга тушиб чўмилаверадилар. Бу ерда қуёш ўз нурларини аямай сочиб туради. Одамлар бу ерда Гиерополнинг тош стадиони қолдиқлари (ўнлаб асрлар илгари қурилган ва томоша масқани бўлиб хизмат қилган) бўлган амфитеатр ва қадимги бинолар архитектура ёдгорликларини ҳам кўришга муяссар бўлишади. Гўзал курорт хизматидан фақат туркларнинг ўзлари кам фойдаланадилар, бунинг бонси унинг қиммат туриши ва асосан чет эллардан оқиб келувчи долларлардир.

Қудрат АҲМЕРОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

1990 ЙИЛ ЁЗ МАВСУМИ ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДЛАРИНИНГ ҲАРАКАТ ВА ҚАТНОВ

ЖАДВАЛИ

«Марказий» вокзали бўйича

Келадиган поездларнинг тартиб номери	Келиш вақти	Йўналишлар	Қабул қилиш йўли	Қатнаш кунлари
268	6—00	Томск-Андижон (5.06 дан 3.07 гача)	2	Тоқ кунларда, 4. 07 дан бошлаб ҳар куни
20	6—45	Семипалатинск	1	
202	7—20	Новосибирск	2	ҳар куни
516	7—35	Москва (буйруқ асосида)	5	жуфт кунларда
6	8—00	Москва	1	ҳар куни
432	8—20	Москва-Бухоро	2	
216	8—49	Целиноград	1	тоқ кунларда
358	11—20	Оренбург (14.07 дан 1.09 гача)	5	жуфт кунларда
200	11—40	Иркутск	2	душанба, пайшанба, шанба
200	11—40	Красноярск (22.06 дан 31.12 гача)	2	жума, якшанба
267	11—45	Андижон-Томск (6.06 дан бошлаб, 4.07 гача)	3	жуфт кунларда 5. 07дан бошлаб ҳар куни
187	12—35	Жалолобод-Фрунзе	3	тоқ кунларда
596	12—40	Харьков (21.06 дан 1.09 гача)	2	душанба, пайшанба, шанба
917	13—10	Москва	6	ҳар куни
372	14—05	Барнаул (17.06 дан 13.09 гача)	1	тоқ кунларда
33	14—15	Андижон-Москва	3	ҳар куни
942	14—52	Новосибирск	1	ҳар куни
236	18—05	Куйбишев-Андижон	1	чоршанба, жума, якшанба
236	18—05	Куйбишев-Душанбе	1	жума, сешанба, пайшанба, шанба
431	18—30	Бухоро-Москва	3	
320	18—35	Москва-Наманган-Андижон	2	душанба, сешанба, якшанба
324	18—35	Москва-Марғилон-Андижон	2	чоршанба жума.
923	21—37	Душанбе	6	ҳар куни
922	21—55	Москва	1	ҳар куни
319	23—35	Андижон-Наманган-Москва	3	душанба, сешанба, чоршанба
323	23—35	Андижон-Марғилон-Москва	3	пайшанба, шанба
927	1—55	Красноводск	6	ҳар куни
235	2—25	Андижон-Куйбишев	3	душанба, чоршанба, шанба
235	2—25	Душанбе-Куйбишев	3	сешанба, пайшанба, жума, якшанба
114	2—25	Челябинск (3.07 дан 2.09 гача)	1	тоқ кунларда
116	2—25	Свердловск (14.07 дан 12.09 гача)	1	
925	2—53	Жалолобод	6	жуфт кунларда
188	3—20	Фрунзе-Жалолобод	2	ҳар куни
86	3—50	Москва	3	жуфт кунларда
930	4—00	Петропавловск	6	ҳар куни
34	4—10	Москва-Андижон	2	ҳар куни
176	5—15	Новокузнецк	1	жуфт кунларда
374	5—15	Омск (7.06 дан 9.09 гача)	1	тоқ кунларда
380	5—35	Қозон (12.06 дан 10.09 гача)	3	жуфт кунларда
382	5—35	Уфа (27.06 дан 9.09 гача)	3	тоқ кунларда

Кетадиган поездларнинг тартиб номери	Жўнаш вақти	Йўналишлар	Жўнаш йўли	Қатнаш кунлари
268	6—15	Томск-Андижон	2	тоқ кунларда 4. 07 дан бошлаб ҳар куни
924	8—00	Душанбе	3	ҳар куни
432	8—35	Москва-Бухоро	2	
371	8—50	Барнаул (18.06 дан 14.09 гача)	7	жуфт кунларда чоршанба, жума, якшанба
199	9—05	Иркутск	3	
199	9—05	Красноярск 16.06 дан 25.08 гача	3	шанба, душанба
928	9—10	Красноводск	6	ҳар куни
921	10—10	Москва	6	ҳар куни
85	12—00	Москва	1	ҳар куни
267	12—15	Андижон-Томск (6.06 дан бошлаб)	3	жуфт кунларда (5. 07 дан бошлаб ҳар куни
926	12—05	Жалолобод	6	ҳар куни
187	12—50	Жалолобод-Фрунзе	3	тоқ кунларда
19	13—40	Семипалатинск	3	
379	14—15	Қозон (12.06 дан бошлаб)	5	жуфт кунларда
381	14—15	Уфа (26.06 дан бошлаб)	5	тоқ кунларда
33	14—35	Андижон-Москва	3	ҳар куни
175	16—35	Новокузнецк	3	жуфт кунларда
373	16—35	Омск (7.06 дан бошлаб)	3	тоқ кунларда
215	16—55	Целиноград	6	тоқ кунларда
929	17—15	Петропавловск	2	ҳар куни
357	18—06	Оренбург (14.07 дан бошлаб)	5	жуфт кунларда
201	18—20	Новосибирск	6	ҳар куни
236	18—25	Куйбишев-Андижон	1	якшанба, чоршанба, жума
236	18—25	Куйбишев-Душанбе	1	жума, сешанба, пайшанба, шанба
431	18—45	Бухоро-Москва	3	
320	18—50	Москва-Наманган-Андижон	2	жума сешанба, якшанба
324	18—50	Москва-Марғилон-Андижон	2	чоршанба, жума
515	21—05	Москва	3	тоқ кунларда
918	21—00	Москва	6	ҳар куни
113	22—15	Челябинск (3.07 дан бошлаб)	3	тоқ кунларда
115	22—15	Свердловск (14.07 дан бошлаб)	3	жуфт кунларда
319	23—50	Андижон-Наманган-Москва	3	душанба, сешанба, чоршанба
323	23—50	Андижон-Марғилон Москва	3	пайшанба, шанба
941	0—35	Новосибирск	6	ҳар куни
595	1—15	Харьков (15.06 дан бошлаб)	3	жума, якшанба, сешанба
235	2—45	Андижон-Куйбишев	3	жума, чоршанба шанба
235	2—45	Душанбе-Куйбишев	3	сешанба, пайшанба, жума, якшанба
188	3—35	Фрунзе-Жалолобод	2	жуфт кунларда
34	4—30	Москва-Андижон	2	ҳар куни
5	4—45	Москва	1	ҳар куни

«Жанубий» вокзали бўйича

65	3—20	Китоб	4	ҳар куни
59	3—52	Андижон	3	ҳар куни
89	4—23	Ашхобод	4	ҳар куни
57	5—11	Волгоград	3	жуфт кунларда
657	5—32	Андижон	4	ҳар куни
661	5—57	Бухоро	3	ҳар куни
79	9—17	Душанбе	3	ҳар куни
655	11—50	Самарқанд	3	ҳар куни
103	17—30	Адлер	3	тоқ кунларда
656	2—20	Самарқанд	3	ҳар куни
104	4—30	Адлер	5	тоқ кунларда
662	16—10	Бухоро	3	ҳар куни
58	17—15	Волгоград	3	жуфт кунларда
80	17—35	Душанбе	4	ҳар куни
658	17—50	Андижон	5	ҳар куни
90	18—20	Ашхобод	4	ҳар куни
60	20—30	Андижон	6	ҳар куни
66	21—00	Китоб	3	ҳар куни

Темир йўл билетларини сотиш поезд жўнашидан 45 кундан олдин бошланиб то 1 кун қолгунча давом этади.

23 июнь ва ундан кейин жўнайдиган Москва йўналишидаги (5,85-«Тошкент-Москва» поездлари) поездларига билетлар фақат ихтисослашган кассалардагина, жўнашдан 10 кундан олдин бошланиб то 1 кун қолгунча сотилади.

063 телефони бўйича билетларга буюртма бериш мумкин. Буюртмалар бўйича билетлар уйга ва иш жойига элтиб берилиши мумкин.

Билетлар буюртма қабул қилиб олинган кунининг эртасига элтиб берилади. Буюртмалар бюроси ҳар куни соат 8 дан 19.00 гача ишлайди. Буюртмалар поезд жўнашидан 45 кундан то 10 кунгача олдин қабул қилинади. 063 телефони бўйича буюртириб қўйилган билетларни йўловчи ўз ҳоҳишига кўра ихтисослашган кассага келиб, шаҳсан олиши ҳам мумкин.

Тўғри плацкарта учун ва орқага қайтиш учун билетларга буюртмалар махсус ажратилган кассаларда қабул қилинади. Буюртмалар қабул қилиш соат 8 дан 13.00 гача, буюртмаларни бериш — соат 14 дан 19.00 гача давом этади. Тўғри плацкарта ва орқага қайтиш учун буюртмалар жўнашдан 45 кундан 18 кунгача олдин қабул қилинади. Буюртмалар қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида бажарилади.

Уруш қатнашчилари ва ногиронларга йўл талонларини кўрсатилган ҳолда махсус ажратилган кассаларда хизмат кўрсатилади.

Гуруҳий сафарлар учун буюртмалар жўнашдан 63 кундан то 18 кунгача қабул қилинади.

Қайтариб олиш кассасида топширувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат мавжудлигида 3 тадан кўп бўлмаган билетларни топшириш мумкин.

Олдиндан билет сотиш кассалари соат 8 дан 20.00 гача ишлайди. Тушлик танаффус соат 13 дан 14.00 гача.

ЁЗГИ ВАҚТДА МОСКВА ВАҚТИ МАҲАЛЛИЙ ВАҚТДАН 2 СОАТ ФАРҚ ҚИЛАДИ.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ТОШКЕНТ ПАССАЖИР СТАНЦИЯСИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/VI да **Оққуш кўли**, 9/VI да **Евгений Онегин**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА—8/VI да **Муҳаббат навоси**, 9/VI да **Ўзбекистон ССР Халқ артисти Сонб Ҳўжаевнинг хотира кечаси** («Қизиқчи—90» конкурсининг голиблари иштирок этади).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/VI да **Кулги ва табассум кечаси**, 9/VI да **Фармонбиби араслади**.

КИНО

8 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ»» (17, 20.40) «ҲОКИМЛИК СОЯСИ» (тоқ соатларда ва 19.00 да).

Нунус — «ФИДОЙИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда).

Москва — «АВАРИЯ» —ХИТНИНГ ҚИЗИ» (17, 20.40); «ҲОКИМЛИК СОЯСИ» (тоқ соатларда ва 19.00 да).

Дружба — «ФИДОЙИ» (ҳар соатда)

К. Ерматов номли — «ТАЗИИҚ ОСТИДА» (тоқ соатларда)

Восток — «КАРОТИН БЎЛГАНМИДИ?» (18,30, 20,45).

Фестиваль (ёзги) — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (20.45).

9, 10 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда ва 20.45 да)

Нунус — «ФИДОЙИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда).

Москва — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (11, 13, 15, 17, 20.40); «ҲОКИМЛИК СОЯСИ» (тоқ соатларда ва 19.00 да).

Дружба — «ФИДОЙИ» (ҳар соатда).

К. Ерматов номли — «ТАЗИИҚ ОСТИДА» (тоқ соатларда).

Восток — «КАРОТИН БЎЛГАНМИДИ?» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «АВАРИЯ» ХИТНИНГ ҚИЗИ» (20.45).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

10 ИЮНЬ СОАТ 18.00 ДА

53-СССР чемпионати 1 лигининг

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ГЕОЛОГ» (Тюмень) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Лотерея ўйналмайди.

ДИҚҚАТ!

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ!

«Ирмонтажстрой» трестининг ижарачи ишлаб чиқариш технологик тўлдириш бошқармаси

доимий равишда таъминотсотув хизматларини кўрсатиш, шунингдек, ўз базасини юкларни қабул қилиб олиш ва жўнатиш учун бериб туриш

ИМКОНИЯТИГА ЭГА

Қуйидаги масканга мурожаат қилинсин: 700049, Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 3/4-уй. «Ирмонтажстрой» трестининг ишлаб чиқариш технологик тўлдириш бошқармаси.

Телефонлар: 42-85-26, 42-56-02.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриёти босмахонаси жамоаси автохўжалик ходими С. Усмоновга акаси

Санд

ҒАФУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ 1-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА 8-10 СИНФЛАРНИ БИТИРГАН ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИЛГАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА УНИНГ АТРОФИДА ЯШОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юрти темир йўл транспорти учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайди: тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси, пассажир вагони проводниги (қизлар), контакт тармоқлари электромонтёри (10-синфни тугатганлар).

Ўқиш муддати — бир йил;

Тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси, контакт тармоқлари электромонтёри, токарь, электр-газ пайвандчиси, автослесарь (8-синфни тугатганлар),

Ўқиш муддати — уч йил.

Уч йиллиқ ўқишга қабул қилинганлар текин овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Уларга база корхонасида ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 фоизи тўланади. 8-синфни битириб ўқишга кирганлар танлаган ихтисосини эгаллаш билан бир қаторда ўрта маълумот олишни ҳам давом эттирадилар. Ўқув курсини тугатганларидан сўнг уларга эгаллаган ихтисосига кўра ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

Ўқиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Аълочилар олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларига йўлланма оладилар.

Билим юрти ётоқхона, спорт комплексига эга, техника ижодкорлиги ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди.

Ўқиш рус тилида олиб борилади.

Билим юртини тугатганлар темир йўл транспорти ходимларига бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланадилар, шу жумладан бир йилда бир маротаба Совет Иттифоқининг истаган ерига текинга бориб келишлари мумкин.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: паспорт (ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома), маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар, характеристика, ариза, 8 та фотосурат (3х4), эмланганлиги ҳақида мактабдан справка.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Слоним кўчаси (3, 23-трамвайларнинг «М. Ашрафий кўчаси» бекати).

Телефонлар: 96-08-42, 96-04-72.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

«Главташкентстрой»нинг ЭКОБД ва 8-тресги базасидаги

5-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-91 ўқув йилига

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қурувчи-дурадгорлар, бўёқчилар (қурилиш бўйича), **электр-пайвандчи усталар, кошинкор-плиткачи-мозаикачилар, гипт терувчилар, слесарь сантехник, қурилиш машиналарини ремонт қилувчи слесарлар, электрчилар.**

Ўқиш муддати 6 ой ва 10 ой бўлган группаларга 11-синфни тамомлаган ва Совет Армияси сафидан қайтганлар қабул қилинади. 9-синфни тамомлаганлар учун ўқиш муддати 3 йил.

Битирувчилар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат ҳамда кийим-бош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 фоизи берилади, 6 ойлик ва 1 йиллик группаларга қабул қилинган ўқувчиларга эса ҳар сўм миқдорида стипендия тўланади. Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юборилади.

Ўқишни тугатганлар «Главташкентстрой»га ишга юборилади ва ётоқхона билан таъминланадилар. Армия сафидан келганлар доимий шаҳар рўйхатига қўйилади ва навбат бўйича турар жой билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (086/У), 3х4 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Билим юрти манзили: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахань кўчаси, 12-уй, 1-трамвай; 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси» бекати. Телефонлар 91-26-47, 96-29-50.

ТОШКЕНТ ОКШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

140.390 нусхада чоп этилади. **Индекс 64690. Д—2201.**
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.
Р—04003.